

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 2020 йил
26 марта 233/01-11-сонли хатига илова

Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган
Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи
устидан назорат қилиш инспекцияси

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил бошоқли дон
экинлари ҳосилини ўриб-йигиб олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги
қарори лойиҳаси

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

2020 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини ўз вақтида ва қисқа муддатларда
сифатли қилиб ўриб-йигиб олиш мақсадида ишлаб чиқилган.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

2020 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини ўз вақтида ва қисқа муддатларда
сифатли қилиб ўриб-йигиб олиш тўғрисида.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурӯҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурухлари – ғаллачилик кластерлари ва фермер
хўжаликлари, “Ўзагросервис” акциядорлик жамияти ва унинг худудий филиаллари,
“Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси ва дон маҳсулотлари корхоналари,
“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, “Тошшаҳартрансхизмат”
акциядорлик жамияти;

давлат органлари гурӯҳи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи
устидан назорат қилиш инспекцияси, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси
Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер

эгалари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда туманлар ҳокимликлари;

бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари –.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 10-бандида Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ғалла ўрим-йигимиға жалб этиладиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги таълим муассасаларининг тингловчилари ва курсантларини вилоятларга етказиш ва ўрим якунлангандан сўнг уларни қайтариб олиб келиб кўрсатилган хизматлари учун “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти билан **ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ўртасида тегишли шартномалар** тузилишини ташкил этиши белгиланган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Қарор лойиҳасининг 10-бандида Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ғалла ўрим-йигимиға жалб этиладиган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги таълим муассасаларининг тингловчилари ва курсантларини вилоятларга етказиш ва ўрим якунлангандан сўнг уларни қайтариб олиб келиб кўрсатилган хизматлари учун “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, “Тошшаҳартрансхизмат” акциядорлик жамияти билан **ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ўртасида тегишли шартномалар** тузилишини ташкил этиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни **12-моддаси** талабларига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралashiши, ўз вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариши, айrim хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Ушбуларни инобатга олиб, қарор лойиҳасининг 10-бандидан **“ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ўртасида”** сўзларини чиқариб ташлаш лозим.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу қарор лойиҳасини 10-бандига “ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжаликлари ўртасида” сўзларини киритилиши Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни талабларига зид эканлигини инобатга олиб, қарор лойиҳасини мазкур Қонун талабларига мослаштирган ҳолда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.